



Зоҳиджон ИСЛОМОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
проректори,
филология фанлари доктори, профессор

МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК БУНЁДКОРИ

XX аср бошларида Туркистонни маориф орқали жаҳон цивилизацияси даражасига кўтаришга ҳаракат қилган жаҳид алломаларимиз ўз жамияти ҳаётини, миллий мустақиллигини, замонавий таълимни ўша давр муаммоларининг ечими сифатида кўрсатган концептуал ғоялари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Айни шу маънода, таниқли жамоат арбоби, диний ва дунёвий илмларни мукамал эгаллаган олим, таълим ва маориф соҳасининг етук ислохотчиси, миллат қахрамони Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаёти, фаолияти ва асарларидаги маданиятлараро мулоқот, таълим, тарбия, маданият, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликка оид ёндашувни янги илмий мезонлар асосида тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида жаҳидчилик ҳаракатининг таниқли намояндаси Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 145 йиллигини муносиб нишонлаш ҳақида таъкидлаб ўтган эди. Ўтган асрнинг бошларида Туркистон ўлкасининг тўлиқ мустақиллиги, ривожланиши, ўлка аҳолисининг маънавий-маърифий, сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий онгини юксалтириш

орқали ўша вақтларда жадал ривожланаётган мамлакатлар қаторига кўтарилишини орзу қилган ва ўз ҳаётини мана шу ишларга бағишлаб, халқ ва Ватан тараққиёти йўлида шаҳид бўлган Маҳмудхўжа Беҳбудий номи, ҳаёти ва ижоди бугун давлатимиз ва халқимизнинг юксак эътиборида. Зеро, аجدодларнинг юрт мустақиллиги, миллат маънавияти ва маданиятини таълим-тарбия, тараққиёт учун курашга ўзларини фидо қилганини ўсиб келаётган авлодлар ва жамоатчилик онгу тафаккурига сингдириб бориш миллий менталитетни асраш ва ривожлантириш жараёнларида доимий долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, юртимизда асрлар давомида юксалиб, кадрланиб шаклланган миллий ва диний кадриятларимизни жамият онгига сингдириш орқали таълим тизими, маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган Маҳмудхўжа Беҳбудий каби мутафаккирларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, илмий меросини тадқиқ этиш орқали бугунги ёшларни ҳар томонлама баркамол инсон қилиб тарбиялаш барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашнинг шартларидан бири ва устувор вазифалар қаторига киради.

Маҳмудхўжа Бехбудий ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш борасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Лекин алломанинг ўрганилиши зарур бўлган фаолиятининг очилмаган қирраларини тадқиқ этиш давр талаб этаётган ўта муҳим вазифа. Мутафаккирнинг халқ озодлиги, Ватан мустақиллиги йўлида илгари сурган ва ўзининг бевосита ташаббуслари миллат маърифати ва тараққиётига интилиш, уни чин дилдан исташ уни толмас курашчига айлантирган эди.

Жадидчилик ҳаракатининг раҳнамоси, замонавий ўзбек драматургиясининг асосчиси, журналист, муфтий, ўз даври ижтимоий-сиёсий ҳаётининг йирик намоёнаси сифатида мустақил Республика ғоясининг яловбардори **Маҳмудхўжа Бехбудий 1875 йилнинг 19 январид** Самарқанд шаҳри яқинидаги Бахшитепа қишлоғида **руҳоний оиласида дунёга келди**. Отаси Бехбудхўжа Солиххўжа ўғли асли Туркистон шаҳридан бўлиб, имом-хатиблик билан шуғулланган. Зиёлилар оиласидаги муҳит уни адабиётга, сиёсатга, маърифатга рағбатлантириб турган. Отаси шаръий илмларни мукаммал эгаллаган ўз даврининг пешқадам зиёлиларидан бўлган. Бу ўз навбатида Маҳмудхўжа тарбиясида ҳам намоён бўлиб борди. Кейинчалик бу ҳақда у ўз мақолаларидан бирида отасининг ўғлига берган таълими айниқса отаси ўргатган ислом ҳуқуқшунослигига оид Бурҳониддин Марғиновий машҳур “Ҳидоя” асарининг унинг тақдирида қанчалик муҳим рол ўйнаганини батафсил ёзади.

Маҳмудхўжа 9 ёшида, 1894 йилда отасидан айрилади ва тоғаси қози Муҳаммад Сиддиқ қарамоғида қолади. Маҳмудхўжа тоғаси **Муҳаммад Сиддиқ ёрдамида хат-саводини чиқарган, эски мактаб-мадрасада ўқиган. Муҳаммад Сиддиқ эса ўз даврининг таниқли зиёли кишиларидан бўлиб, қозилик қилган. Шу нуқтаи назардан Бехбудий тафаккурининг комил инсон даражасидаги ривожланишида тоғасининг таъсири бекиёс бўлганлигини кўриш мумкин. Бундан ташқари Маҳмудхўжа араб тилини мукаммал билган, кенг қамровли билимлар эгаси бўлган яна бир тоғаси мулла Одилдан араб тилини пухта ўргангани, ислом адабиёти ва**

маданияти билан шу орқали танишгани ҳақидаги маълумотлар манба ва архив ҳужжатларида қайд этилган.

Маҳмудхўжа 18 ёшида қозихонада мирзолик қила бошлайди. Ундаги тиришқоқлик туфайли қози, кейинчалик, муфтий даражасигача кўтарилади. Кейинчалик, адабиёт, тарих фанлари қатори сиёсатшунослик билан ҳам жиддий шуғулланади. Ёш Бехбудий дунёқарашининг шаклланишида Россия жадидчилик ҳаракатининг асосчиси Исмоилбек Гаспиралининг таъсири бўлган. Унинг ўз вақтида дунёда, шу жумладан Россия империясида юз бераётган воқеалар, жараёнлар билан узлуксиз танишиб боргани, вақтли матбуот, рўзномаларни доимий кузатгани, шунингдек, жаҳонда содир бўлаётган сиёсий воқеалар билан яқиндан танишганлиги Туркистон келажагига оид муҳим хулосалар чиқара олишдек кучли тафаккур эгаси даражасига кўтарила олганлигини кўрсатади.

Маҳмудхўжа, ислом таълимоти, шариати, тарихи ва у билан боғлиқ илмларни пухта эгаллаган ва уларни амалиётда моҳир қўллай олиш даражасидаги етук малакага эга бўлган. 1899-1900 йилларда, баъзи маълумотларга қараганда 1902 йили Бехбудий ҳаж сафарига боради. Маккадан қайтишда 1903-1904 йилларда Москва ва Санкт-Петербургга боради, 1906 йилда Қозон, Уфа, Нижний Новгородда бўлади. Хусусан, у Нижний Новгородда 1906 йилнинг 23 августида Русия мусулмонларининг турмуш ва маданияти муаммоларига бағишланган курултойда туркистонликлар гуруҳини бошқаради ва катта нутқ сўзлайди. Қозон ва Уфа шаҳарларида бўлиб, Европа маданияти билан ҳам қизиқади. Ўша даврдаги Қозон, Оренбургда чиқадиган араб имлосидаги рўзномалар, журналлар билан танишади ва босмахоналарга таширф буюради, иш фаолиятини ўрганади, келажакда ҳамкорлик қилиш тўғрисида келишувларни амалга оширади. Ўз юртида ўша даврда унча ривожланмаган ушбу соҳага алоҳида урғу беради, у билан боғлиқ масалалар, уларнинг ечими, манфаатли жиҳатлари ҳақида батафсил ёзади, унинг мақолаларида кўтарилган маориф, маданият ва маърифатпарварлик ҳақидаги фикр ва ғоялар тарғиботчисига айланади. Бехбудий

кейинчалик хориж тажрибаси асосида ўз юрти Туркистонда матбуот ишини ташкил этади. Жумладан, 1912-1913 йилларда Бехбудий Самарқандда «Самарқанд» рўзномаси, «Ойна» журнали чиқишида жонбозлик кўрсатган эди. Шунингдек, унинг мақолалари 1901 йилдан бошлаб «Туркистон вилоятининг газети», «Тараққий», «Хуршид», «Шухрат», «Тужжор», «Осиё», «Хуррият», «Турон», «Садои Туркистон», «Улуғ Туркистон», «Нажот», «Меҳнаткашлар товуши», «Тирик сўз», «Таржимон», «Шўро», «Вақт», «Тоза ҳаёт», «Самарқанд», «Ойна» каби рўзнома ва журналларда чоп этилади. Албатта, Бехбудий қозонаётган бундай шуҳрат ҳоким синфлар ва амалдорларнинг ғашига тега бошлаган эди. Шу сабабли унинг фаолиятига қаршиликлар, тўсиқлар қўйила бошлайди.

Бехбудий дунёқарашида Россиядаги энг нуфузли бўлган Кадетлар партиясининг аъзолари билан учрашув ва улар ҳаракатномаларининг таъсири ҳам катта бўлган эди. Кадетлар партияси Россияни Европанинг ривожланаётган мамлакатларидан ортда қолмаслигини таъминлаш учун бу ерда илм-маърифатни ривожлантириш, мамлакат ёш авлодини ижтимоий мансублигидан қатъи назар таълим билан қамраб олиш ғоясини қўллаб-қувватлар эди. Бунинг таъсири натижасида Бехбудийнинг 1910 йилларга келиб, ўлкада «Шўрои исломия», «Уламо», «Адолат», «Ёш бухороликлар» каби ўз даврининг партиялари пайдо бўлгандан кейин уларнинг ғояларини шакллантиришда жиддий курашчилар қаторида турганлигидан ҳам яхши англаш мумкин.

Бехбудий маърифатни юксалтириш учун фақатгина мактаб-маориф соҳасидагина хизмат қилиб қолмасдан, драматургияни ҳам йўлга қўйди. Унинг 1913 йили ёзилган «Падаркуш» драмаси ўзбек драматургиясининг илк намунаси ҳисобланади. Муаллиф «Миллий фожеа» деб атаган 3 парда, 4 манзарали бу драма ҳажман ихчам, мазмунан ниҳоятда содда эди. Бу асарда ўқимаган боланинг нораво йўлларга кириб, ўз отасини ўлдиргани, унинг ҳаётига нодонлик ва жаҳолат панд бергани ҳақида ҳикоя қилинади. «Падаркуш» дастлаб Самарқандда 1914 йилнинг 15 январида сахнага қўйилади. Абдулла Авлонийнинг «Турон» театр

труппаси томонидан Тошкентда 1914 йилнинг 27 феврилида намоиш қилинади. Драмадаги бой ролини Абдулла Авлонийнинг ўзи ижро этади. Ўз маишатиға берилиб, дунёни унутган миллатдошларга мазкур спектакль кучли таъсир кўрсатади. «Падаркуш» драмасида туркистонлик ёшларни Оврўпо илмгоҳларида ўқитиш ғоялари ҳам ўз аксини топган эди. Мазкур асар ўз даврида Абдулла Қодирийнинг «Бахтсиз куёв», Мирмуҳсин Фикрийнинг «Бефарзанд Очилдибой», Ҳамза Ҳакимзоданинг «Янги саодат» каби асарларининг яратилишига ҳам таъсир кўрсатган эди. Ҳатто унинг Американинг Калифорния дорилфунунида таржима ҳам қилиниб, сахналаштирилганлиги маълум.

Маҳмудхўжа Бехбудий 1913 йилдан «Самарқанд» рўзномасини ўзбек ва тожик тилларида, 1913 йил 20 августдан «Ойна» журналининг чиқара бошлайди. Бехбудий миллий маънавият ва маданият, санъат ва адабиётни ривожлантириш, аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги, руҳонийларнинг фаолиятини қайта ташкил этиш, мактабларда миллий тилда ўқитиш, мамлакатнинг сиёсий тизимини ислоҳ қилиш учун ҳаракат қилди. Ҳафтада чиқадиған, суратли бу журнал асосан ўзбек тилида бўлиб, унда шеър, мақола, эълонлар ҳам бериб борилган. Журнал Кавказ, Татаристон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Туркиягача тарқалган.

Дунёдаги ўзгаришларни ўрганишга интилган, халқлар маданиятидан баҳра олишга ҳаракат қилган Бехбудий 1914 йил 29 майда араб мамлакатларига саёҳатга чиқади. Саёҳати давомида Байрамали, Ашхобод, Красноводск, Кисловодск, Пятигорск, Железноводск, Ростов, Одесса шаҳарларида бўлади, 8 июнда Истанбулга келади. Ундан Аданага ўтиб, яна Истанбулга қайтади ва 20 июнда Исмоилбек Гаспирали билан учрашади. Сўнг Қуддус, Байрут, Ёфа, Халил ар-Раҳмон, Порт-Саид, Шом шаҳарларига боради. Бу саёҳатларидан Маҳмудхўжа Бехбудий жуда катта таассуротлар олади ва ўз фикрлари ва хотираларини «Ойна» журналинда мунтазам бериб боради. Ушбу мақолалар ўзбек маданиятидаги янгилик эди, муҳим «хотиралар» манба сифатида анъанавий тарихий-мемуар жанрининг XX аср бошидаги ўзига хос намунаси эди. Муаллиф

унда йўл таассуротларига, кишилар билан учрашувларининг ибратли томонларига, улардан олган хулосаларига алоҳида урғу беради.

Бехбудий матбаачилик ривожига ҳам эътибор беради. Жумладан, у “Нашриёти Бехбудия” номи билан хусусий нашриёт очади. Абдурауф Фитратнинг «Баёноти сайёҳи ҳинд» асарини рус тилига таржима қилдириб, 1913 йили мазкур нашриётда чоп эттиради.

Бехбудийнинг публицист сифатидаги фаолияти адиб истеъдодининг жуда ёрқин бир қиррасини ташкил этади. У илмий-ижодий фаолияти давомида 300 дан ортиқ мақолалар ёзган. “Туркистон идораси”, “Туркистонда мактаб жарида”, “Бухорода усули жадид”, “Ёшларга мурожаат”, “Эҳтиёжи миллат”, “Икки эмас, тўрт тил керак” каби публицистик мақолалари ана шундай хусусиятларга эга. Бехбудийнинг ижтимоий-фалсафий қарашларида маърифатпарварлик ғоялари асосий ўрин тутати. У миллат озодлигини маърифатпарварлик даражаси билан боғлаб, маърифатни озодликка эришишнинг ягона омили, деб ишонган.

Бехбудий истиклол ҳақида фикр юритар экан, ҳар қандай зўравонликни рад этади. Унингча, зўравонлик ғайриахлоқий, бинобарин, ғайриинсонийдир. Бехбудий мустақилликка эришишни Исмоил Гаспирали сингари мураса йўлини танлаб, маърифатга эришиш, маърифат масаласида ҳақ-ҳуқуқларни қўлга киритиш, миллий хусусиятларни тиклашда деб билади.

1917 йил Маҳмудхўжа Бехбудий Самарқанд шаҳар думаси аъзоси этиб сайланади. Самарқанд вилояти мусулмон ташкилотларининг 1917 йил охирида 2-сонли рўйхат бўйича Самарқанд сайлов округидан Таъсис Мажлисига сайланади. Ватан, мустақиллик тақдири ҳал қилинаётган 1917 йилнинг 16-23 апрелида Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг ўлка курултойида нутқ сўзлайди. Миллатни ўзаро ихтилофлардан воз кечишга, буюк мақсад йўлида бирлашишга, иттифоққа чақиради. Бехбудий катта умид боғлаган “Туркистон мухторияти” барбод бўлгач, миллатни, миллий тарақиётни инкор этган шўролар йўлининг алдов ва зўравонликка асосланганлиги рўй-рост ошкор бўлади.

Маҳмудхўжанинг маърифатпарварлик фаолияти 1893 йиллардан кўзга ташлана бошлаган. Шу йили у жуда катта қийинчиликлар билан дастлабки янги усул мактабини очишга муваффақ бўлади. Унинг ташаббус ва ғайрати билан 1903 йилда Самарқанд атрофидаги Ҳалвойи қишлоғида Ажзий билан, Ражабамин қишлоғида эса Абдулқодир Шакурийлар билан ўз даври ҳаёти учун улкан янгилик бўлган янги усулдаги жадид мактаби очилади. Етук маърифатпарвар, таълим ислохотчиси сифатида у бу мактаблар учун 1904-1909 йилларда “Рисолаи асбоби савод”, “Рисолаи жуғрофияи умроний”, “Рисолаи жуғрофияи Русий”, “Китоби атфол” “Амалиёти ислом”, “Тарихи мухтасари ислом” каби дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратади. У 1914 йилда Туркия, Мисрга бориб, у ердан муҳим китоблар, ўқув қўлланмаларини келтиради, янги усулдаги мактаб дастури устида ишлашга киришади.

Маҳмудхўжа Бехбудий 300 дан ортиқ мақолалар, 10 дан ортиқ маърифий дидактик асарлар, 10 дан ортиқ мактаб дарсликлари муаллифи ҳисобланади. Ҳалвойи ва Ражабаминдаги янги усул мактаблари учун Бехбудий томонидан яратилган ўқув адабиётлари ва дарсликлари “Рисолаи асбоби савод” (“Савод чиқариш китоби”, 1904), “Рисолаи жуғрофияи умроний” (“Аҳоли географиясига кириш”, 1905), “Мунтахаби жуғрофияи умумий” (“Қисқача танланган умумий география”, 1906), “Китоби атфол” (“Болалар китоби”, 1908), “Амалиёти ислом” (1908), “Тарихи ислом” (1909) каби дарсликларни чоп эттирган. Таълим ва тарбия оид “Падаркуш” драма (1911)си, асарларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Олим “Хайрул умури авсатуҳо” (1906), Мунозара ҳақида (1911), Ёшларга мурожаат (1913), Миллатлар қандай тараққий этарлар? (1913), Эҳтиёжи миллат (1913), Икки эмас, тўрт тил лозим (1913), Исмоилбек ҳазратлари (1914), «Сарт» сўзи маълум бўлмади (1914), Туркистон тарихи керак (1914), Мухтарам ёшларга мурожаат (1914), Жаҳолат дардларидан (1914), Бизни ҳоллар ва ишлар (1914), Фавқуллода такфир (1914), Теётр надур? (1914), Танкид – сараламоқдур (1914), Тарихи ихтирои башар (1914), Бизни кемиргувчи иллатлар (1915), Тил масаласи (1915), Қозок

кариндошларимизга очиқ хат (1918), Ғалла, аскарлик, ер ва тазминоти ҳарбия (1918) каби мақолаларида таълим-тарбия, маънавиятга оид ўша даврдаги муаммоларни ёритади.

Бехбудий ўз юртида илму ирфон тараққий этишини истади ва шунга интилди. Жумладан, “Ойна” журналининг 1913 йил 1-сонида чоп этилган “Икки эмас, тўрт тил лозим” номли мақоласида: “Биз туркистонийларга туркий, форсий, арабий ва русий билмоқ лозимдур. Туркий, яъни ўзбекиёни сабаби шулки, Туркистон халқининг аксари ўзбакий сўйлашур. Форсий бўлса, мадраса ва удабо тилидур. Бу кунгача Туркистонни ҳар тарафиндаги эски ва янги мактабларинда форсий назм ва наср китоблари таълим берилиб келгандур. Барча мадрасаларда шаръий ва диний китоблар арабий таълим берилса ҳам, мударрисларни тақриру таржималари форсчадур. Бу коида, яъни дарс китоби-арабий, муаллим-туркий, тақриру таржимани форсийлиги хийла ажибдур. Фаранг ва рус донишмандларининг асарларидан фойдаланмоқ туркий ё русий ва фарангий билмак ила мумкин бўлур, на учунки бугун усмонли, Кафказ ва Қазон турклари замона уламози асарини туркийга таржима қилиб, кўпайтиргандурлар, яъни туркий билган киши замонни билур. Турк тилига ҳар бир янги ва нафълик китоблар барча тилда таржима бўлгандур. Араб маданияти юноний Сукрот, Букрот, Фалотунлардан фойдаланганидек, замони ҳозира маданияти Толстўй, Жул Верн, Кеплер, Коперник, Ньютонлардан фойдаланур мақсадидан узоқ тушдик.” деб таъкидлагани ҳам ёшлар учун бир қатор хорижий тилларни мукамал ўрганиш масаласи қўйилаётган бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини кўрсатмоқда.

Шунингдек, “Самарқанд” газетаси 1913 йил 12 июль сонидagi “Эҳтиёжи миллат” номли мақоласида: “Бошқа миллатларга қаралса кўрилулки, мунтазам мактаблари бор ва аввал мактабда диний илм устида дунёвий илм ва фанлар ҳам ўқилур. Чунки дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур. 50 сана муқадамги замонда, биз туркистонлилар якка ва танҳо яшаб, бошқалар ила муомала ва муносабатимиз йўқ эди. Энди замон ўзгариб, бошқа миллатлар ила махлут бўлдук, шарият ва ўз урфимиз устига қонун

ва Оврупо одатига итоат қилмоққа мажбурмиз. ...хулоса, мактабимиз, дўконимиз, корхонамиз, мадрасамиз ва ҳар нимарсамизни замона ислоҳи лозимдур”, деган фикрларни келтиради. Муаллиф ўша даврда Туркистон аҳолисини маърифатли қилиш учун биринчи навбатда миллатнинг эҳтиёжи бўлиши зарурлигини таъкидламоқда.

Маърифатпарвар олим миллий тил, уни асраш ва ривожлантириш, шу тилда ўқув, илмий адабиётлар, асарлар яратиш масаласига алоҳида урғу беради. Айнан миллий тилни асраш ва келажак авлодга етказишга оид “Ойна” журналида чоп этилган “Ҳар миллат ўз тили ила фахр этар”, “Тил масаласи” номли мақолаларида муаллиф масалага куюнчаклик билан ёндашади ва бу йўналиш бўйича ўз ечимларини тавсия қилади.

Бехбудий миллатга хос бўлган тўй, аза, кўпқари каби маросимларни ўтказиш учун одамлар умри давомида тўплаган сармояларини сарф қилиши, қарздор бўлиб қолиши, бунинг натижасида ҳаётини қийналиб ўтказиши, азобланиб яшаши инсонга хос тўғри иш эмас, бу инсонга ашаддий душман бўлиб, унинг ҳаётини кемиришини уқтиради.

Ҳозирда ҳам муҳим ҳисобланган таълим масаласига Маҳмудхўжа Бехбудий алоҳида эътибор қаратган. Жумладан, Самарқанд газетасида 1913 йил 30 июлда чоп этилган “Миллатлар қандай тараққий этарлар?” мақоласида: “Хулоса, ҳар миллатни уламози, аҳли қалами миллат учун сўйлар, ёзар ва хавожи миллия ва замонияни ўз миллат мансубасига билдирарлар. Замона ағниёлари ўз миллатларини замонийча кераклиги йўлинда оқча сарф этарлар, масалан, янги усулда замонавий мактаблар бино этиб, замонийча одам тайёрламоқ учун ҳаракат этарлар”, деб ёзади. Ўша даврдаёқ янги усулдаги мактабларни ривожлантириш, таълим жараёнини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш ва маърифат орқали ёшларни турли номақбул ишлар ва нотўғри йўллардан асраш жамият, миллат тараққиётида нақадар муҳимлигини таъкидламоқда. Бу фикр бизнинг давримизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, давлатимиз, ҳукуматимиз алоҳида эътибор бераётган соҳа бўлиб қолмоқда.

Маҳмудхўжа Бехбудий барча муҳим масалалар қаторида ўтмиш маданий меросига аҳамият бериш зарурлигини ёзади. Жумладан, “Ойна” журналининг 1914 йилги 38 сонидида “Туркистон тарихи керак” мавзусидаги мақоласида “Миллат тарихини Туркистонда ўтган боболаримизни ижтимоий ҳаёти, қайси йўл билан тараққий этганини ва маданиятини билиш учун “Туркистон тарихи” бор бўлганда тарихий хатоликларни билиб ибрат олган бўлар эдик. Бу қийин масала бўлиб, бунда ёш муаррихимиз муҳтарам Аҳмад Заки Валидий афандидан умид қилмоқдамиз”, деб ёзади. Олим ўтмиш аجدодлар меросини, тарихи, маданияти ва маърифатини ўрганиш миллий ўзликни англаш, ёшлар тарбияси, миллат савиясини оширишда муҳим омил эканлигига ургу беради. Шунингдек, олим “Мозий истиқболнинг тарозисидир” мақоласида ҳам бу мероснинг аҳамияти, инсоннинг камол топиши ва жамиятни бошқаришда ўтмиш мероси, тарих фанининг ўрни бекиёслигини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Кенг тафаккурли адиб “Тарих ва жуғрофия” мақоласида мутаассиб ислом “намоянда”ларининг қотиб қолган дунёқараши ҳукмронлик қилган даврларда бу фанлар бидъат ва гуноҳ ҳисобланганлигини айтади. Тарих ва жуғрофиянинг муҳимлиги ва зарурлигини, бу икки фаннинг жадид мактабларида бугун ёки кеча кашф этилмаганини, балки жамият ҳаётида қадимдан мавжуд бўлиб келганини исботлаб беради. Янги давр одамлари, ёшлари мана шу фанларни мукамал ўрганишлари зарурлигини тақдорлайди.

Бехбудий табиий ва ижтимоий фанларни “ақлли илмлар” деб номлаган. Халқлар, мамлакат, ислом тарихини билмай туриб, оддий мусулмон фуқаросидан тортиб то давлат арбоби, руҳоний ва уламо, олиму фузалоларгача маърифатли бўла олиши асло мумкин эмаслигига ишора қилиб, шундай ёзади: “Дунёга ишонмоқ учун, комил ва одил бўлмоқ учун тарихни ўқумоқ ва билмоқ керак. Подшою вазир, ҳукумат одамлари ва сиёсий кишилар учун тарих ўқумоқ керак. Дини исломнинг асли пайғамбар ва саҳобаларнинг исломият ва уммат учун жафо чеккан ва меҳнатларини билмоқ учун тарих ўқумоқ керак. Паст қолган ва ё тараққий

қилган халқларни, жаҳонгир бўлган давлат, ё нопадид бўлган ҳукуматларни билмоқ учун тарих ўқумоқ керак...”.

Бехбудий каби юрт мустақиллиги ва миллат эрки ҳақидаги маърифатпарвар ўзбек зиёлилари орзулари рўёбга чиққан бугунги кунларимизда ўзбек тилига давлат мақоми берилганлиги ва давлатимизнинг тил сиёсати ҳам ўзбек адабий тилини ривожлантиришга қаратилган. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тил байрами тантаналарида сўзлаган нутқида: “Туркий тилларнинг катта оиласига мансуб бўлган ўзбек тилининг тарихи халқимизнинг кўп асрлик кечмиши, унинг орзу-интилишлари, дарду армонлари, зафарлари ва ғалабалари билан чамбарчас боғлиқдир”,-деган фикрлари алоҳида эътиборга лойиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, XIX аср охири XX аср бошларида Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида юксак ўрин тутган сиймолардан бири – Маҳмудхўжа Бехбудий буюк миллатпарвар ва ватанпарвар сифатида ўзбек маърифатпарварларининг олдинги сафларида бўлиб, у ўз маслақдошлари сингари миллатнинг сиёсий онги ва тафаккурини ўстиришнинг асосий йўллари сифатида театрдан фойдаланиш, янги усулдаги мактаблар очиш ва улар учун дарсликлар яратиш, матбуотни йўлга қўйиш, кутубхоналар ташкил этиш ва шу орқали, адабий тил меъёрларини яратишдек энг муҳим ишларга улкан ҳисса қўшган, миллат эрки учун толмай курашган чин маърифатпарвар фидойилардан бири бўлганлигини асослайди. Уларнинг ҳаёт йўли, амалга оширган ишлари ҳамда ижод намуналари махсус тадқиқ қилиниши галдаги долзарб масалалар сирасига киради.

Аллома Маҳмудхўжа Бехбудий маърифатимиз, маънавиятимиз, таълимимиз, тарбиямиз, халқимизнинг ҳақиқий жонқуяри, у миллатимизнинг озод бўлишини, бир ғоя остида бирлашишини истаган, илмли ва зиёли бўлишини, бахтли ҳаёт кечиришини орзу қилган. Унинг Ватан озодлиги, халқ фаровонлиги йўлида қилган хайрли ишлари абадиятга дахлдор. Бугун янги Ўзбекистон аҳолиси айнан буюк аллома орзу қилган кунларда яшамоқда. Энди ёшлардан ўша орзуларга муносиб бўлиш талаб қилинади, халос. Зеро, амалга ошган орзунинг поймол қилинишига ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.